



МУҒАЛЛИМ ҲАМ ЎЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИҶ

илимий-методикалық журнал № 5



Нөкис - 2022

МУГАЛЛИМ ҲАМ ЎЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИҶ



ISSN 2181-7138

№ 5 - 2022 жыл

Илимий-методикалық журнал

Редактор:
А. Тилегенов

Редколлегия аъзалары:
Мақсет АЙЫМБЕТОВ
Нағмет АЙЫМБЕТОВ
Байрамбай ОТЕМУРАТОВ
Кеңесбай АЛЛАМБЕРГЕНОВ
Алишер АЛЛАМУРАТОВ
Дилшодхўжа АЙТБАЕВ
Тўлкин АЛЛАЁРОВ
Умида БАҲАДИРОВА
Фархад БАБАШЕВ
Аскар ДЖУМАШЕВ
Гўлнара ЖУМАШЕВА
Мырзамурат ЖУМАМУРАТОВ
Аскарбай НИЯЗОВ
Сабит НУРЖАНОВ
Уролбой МИРСАНОВ
Бахтиёр РАХИМОВ
Арзы ПАЗЫЛОВ
Барлықбай ПРЕНОВ
Қаххор ТУРСУНОВ
Тажибай УТЕБАЕВ
Саодат ТОШТЕМИРОВА
Амангелди УТЕПБЕРГЕНОВ
Ризамат ШОДИЕВ
Зафар ЧОРШАНБИЕВ
Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ
Гулрухсор ЭРГАШЕВА

Шўлкемлестириўшилер:
Қарақалпақстан Республикасы
Халық билимлендириў
Министрлиги, ӨЗПНИИ
Қарақалпақстан филиалы

Ўзбекстан Республикасы
Министрлер Кабинети
жанындағы Жоқарғы
Аттестация Комиссиясы
Президиумының 25.10.2007
жыл (№138) қарары менен
дизимге алынды

Қарақалпақстан Баспа сўз хэм
хабар агентлиги тәрәпинен
2007-жылы 14-февральдан дизимге
алынды №01-044-санлы гуўалық
берилген.

Мәнзил: Нөкис қаласы,
Ерназар Алакөз көшеси №54
Тел.: 224-23-00
e-mail: uzniipnkkf@umail.uz,
mugallim-pednauk@umail.uz
www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz

Журналға келген мақалаларға жуўан қайтарылмайды, журналда жәрияланған мақалалардан алынған үзиндилер «Мугаллим ҳәм ўзликсиз билимлендириў» журналынан алынды, деп көрсетилиўи шәрт. Журналға 5-6 бет көлеминдеги материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN ирифтинде электрон версиясы менен бирге қабыл етиледи. Мақалада келтирилген маглыўматларға автор жуўапкер.

МАЗМУНЫ

ТИЛ ХАМ ӘДЕБИЯТ

Темирбекова А.О. Қарақалпақ тилиндеги таңлақлардың семантикасы ҳәм стилистикалық өзгешеликтери	4
---	---

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Smaylova G. Yu. Natyurmort janrı boyınsha súwret salıwdagı ayırım qağıydalar	7
Smaylova G. Yu. Súwretlew ónerin oqıtıw metodikasi shınıǵıwlarınń alıp barılıwı	10
Алаўатдинов С.И. Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс даврига пойдевор қўйишда соғлом дунёқараш ва бунёдқорлик сари	12
Абдуганиев О.Т. Талабаларда ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларини ривожлантириш – ижтимоий педагогик зарурят сифатида	15
Бურიев Э.А. Масофавий курс ва уларни ташкил этиш тамойиллари	18
Shodiyev Sh. Sh. Maktab o'quvchilarining ijodiy kompetensiyalarini axborot texnologiyalari asosida baholash	23
Djurayev R.X., G'ulomov J.G'. Bo'lajak informatika o'qituvchilarining metodik kompetenligini rivojlantirishda kasbiy kompetensiyalarni shakllantirish	33
Рахманова М.Қ., Мейлиева М. С. Касб танлашга муносабат тизими мотивациясини ўрганиш ижтимоий-психологик муаммо сифатида	36
Nomozov Sh. Talaba yoshlarda ma'naviy ahloqiy sifatlarni rivojlantirishning ijtimoiy omillari	41
Тайланова Ш.З. Талабаларда педагогик инновацияларга аксиологик муносабатни шакллантириш	44
Ergazarova G.O. Ta'lim muassasasining innovatsion faoliyatini joriy etish	54
Хайдарова М. Тиббиёт олий таълим муассасалари талабаларининг хис-туйғуларнинг биоэнергетик таҳлили	58
Sayfullayeva I.Q. Bo'lajak logopedlarning kasbiy faoliyatiga qo'yiluvchi talablar	61
Xojikarimova G.T. Bo'lajak texnologik ta'lim o'qituvchilarini maxsus kompetensiya komponentlarini shakllantirish metodikasi	66
Raxmonov A.R. Pedagogik ta'lim innovatsiyon klasteri ta'lim muassasalarida yangi renessans bosqichining samarasi sifatida	71
Abdualilova Sh.A. Oliy ta'lim muassasalari o'qituvchilarining pedagogik tasavvur va uning fazilatlari	74
Ачилова С.Ж. Нутқ нуқсонларни бартараф этишда қўлланиладиган логопедик методларнинг ўрни	77
Тайланова Ш.З. Педагогика олий таълим муассасаси талабаларида таълимий инновацияларни амалиётда қўллаш	82
Achilova N.R. Bo'lajak biologiya o'qituvchilarini kasbiy tayyorgarligini oshirishda muammo va yechimlar	87
Жўмамуратов А.П. Бошланғич синфлар учун электрон таълим ресурсларининг педагогик ва эргономик сифатини баҳолаш	92
Мирзорахимов О.К. Кластерный подход в образовании и совместная партнёрская деятельность	96
Мамаражабова З.Н. Обучение разговорной речи глухих учащихся в специальной школе	101

МИЛЛИЙ ИДЕЯ ХАМ РУЎХИЙЛИК ТИЙКАРЛАРИ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ

Досумходжаев Ф.А. Бўлажак ҳуқуқшуносларнинг ватанпарварлик туйғусини ривожлантириш стратегиялари	105
---	-----

ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

Бекнозарова З.Ф. Олий таълимда физика фанини ўқитишда интерфаол методларини қўллаш усуллари	109
Ataullayev Z. M. O'quvchilarning mustaqil ishlashlarida kimyo fanidan rasmi o'quv-uslubiy qo'llanmalarining o'rni va ahamiyati	112
Арзиқулов Х.Н. Бўлажак информатика ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш муаммолари	116
Qodirov B.Q. Ma'lumotlar bazasi fanini o'qitishda zamonaviy dasturlash texnologilaridan foydalanish metodikasi	120
Ғуломов Ж.Ғ. Глобаллашув шароитида ахборот технологияларининг таълим жараёнига таъсири	123
Axlimirzayev A., Mamadjonova M., Rustamova Z. O'quvchilarni parametr qatnashgan kvadrat tenglamalarni yechishga o'rgatish – ularning ijodiy fikrlash qobiliyatlarini rivojlantirish vositasi sifatida	127

БАСЛАҒУШ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТӘРБИЯ

Ashirboev I.M. Bolalarni jismoniy rivojlantirishning pedagogik tizimi	135
Йўлдошев Ф.Б. Бошланғич синф ўқувчиларининг таълим натижаларини диагностика ва коррекция қилишнинг илмий-назарий жиҳатлари	138

ФИЗИКАЛЫҚ ТӘРБИЯ ХАМ СПОРТ

Ashirboev I.M. Jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlarida qo'llaniladigan asosiy uslubiy tamoyillar	143
Raximova Z.A. Jismoniy tarbiya va sport menejmenti tizimini moliyalashtirish	146
Norkulov D.R. Professional ta'lim muassasalari tahsil olayotgan o'quvchi-qizlarni jismoniy tayyorgarligini samarali takomillashtirish usullari	149
Миржамолов М.Х. Параспорт турларида оёқ нозологиясида асосий ҳаракат кўрсаткичлари	154
Собирова Л.Б. Система популяризации и развития спорта голбол в узбекистане	157

Xulosa. «O'qituvchining metodik kompetentligi» tushunchasi, shuningdek, uning turlarining turli talqinlarini tahlil qilish shuni ko'rsatadiki, turli ta'rif, talqinlar bir-biriga jiddiy qarama-qarshilik keltirib chiqamaydi. Shu sababli «metodik kompetentlik» tushunchasining invariant yadrosini (komponentlarini) ajratamiz va shunday invariant yadroni yaxlitligicha o'z ichiga olgan ta'rifni taklif qilinadi. Ko'plab tadqiqotchilar o'z ta'riflarida o'qituvchining metodik kompetentligini o'qituvchining ilim, malaka va ko'nikmalari; mustaqil metodik faoliyatga tayyorligi; ma'lum shaxsiy fazilatlar (sifatlar) bilan bog'laydi.

Adabiyotlar:

1. Vasilyeva, T. I. (2008). Dinamika professionalnoy samoeffektivnosti budushhego pedagoga-psixologa. Moskva: Mosk. gos. ped. universitet.
2. Verbiskiy, A. A. Lichnostniy i kompetentnostniy podxodi v obrazovanii: problemi integratsii / A. A. Verbiskiy, O. G. Larionova.-M.: Logos, 2009.- 336 s.
3. Adolf, V. A., & Savchuk, A. N. (2014). Prognozirovaniye stanovleniya professionalnoy kompetentnosti vipusknika vuza.
4. Stefanova, N. L., & Podxodova, N. S. (2008). Metodika i texnologiya obucheniya matematike.
5. Djurayev R. Ta'limda interfaol texnologiyalar. – Toshkent, 2010. – 87 b.

РЕЗЮМЕ

Ushbu maqolada bakalavriatning “Pedagogika” ta'lim yo'nalishida asosiy ta'limiy dasturlarni o'zlashtirish natijalariga talablar informatika sohasi bo'yicha bakalavr, yo'nalishi, kasbiy faoliyat vazifalari va asosiy ta'limiy dastur maqsadlariga muvofiq, egallashi lozim bo'lgan kompetensiyalar ro'yxati ko'rinishida keltirilgan.

РЕЗЮМЕ

В данной статье требования к освоению основных образовательных программ бакалавриата по направлению «Педагогика» представлены в соответствии с целями бакалавриата в области информатики, профессиональной деятельности и целями основной образовательной программы, представленными в виде перечня компетенций.

SUMMARY

In this article, the requirements for the development of the main educational programs of the bachelor's degree in the direction of «Pedagogy» are presented in accordance with the goals of the bachelor's degree in the field of computer science, professional activity and the goals of the main educational program, presented in the form of a list of competencies.

КАСБ ТАНЛАШГА МУНОСАБАТ ТИЗИМИ МОТИВАЦИЯСИНИ ЎРГАНИШ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК МУАММО СИФАТИДА

Рахманова М.Қ.

ТВЧДПУ н.ф.ф.д. (PhD)

Мейлиева М. С.

ТВЧДПУ магистр

Таянч сўзлар: мотив, мотивация, шахс, фаолият, муомала, хатти - ҳаракат, ички регуляция, эҳтиёжи, ҳоҳиш - истак, эзгу ният, орзу - тилак, майл, хис - туйғу, установка, идеал, имон - эътиқод, виждон, мақсад, ҳулқ - аъвоқ.

Ключевые слова: мотив, мотивация, личность, деятельность, поведение, поведение, внутренняя регуляция, экзтиной, стремление, благое намерение, желание, пожелание, склонность, чувство, идеал, вера, убеждение, совесть, цель, характер поведения.

Key words: motive, motivation, personality, activity, behavior, behavior, internal regulation, ehtioj, desire, good intention, desire, wish, inclination, feeling, ideal, faith, belief, conscience, purpose, behavior character.

Касбга йўналтириш муаммосини ҳал қилиш нафақат у ёки бу шахсининг, оилавий муҳитнинг, балки бутун бир давлатнинг муҳим стратегик вазифаси бўлиб ҳисобланади.

Шунинг учун ушбу жараёни хар жиҳатдан пухта тадқиқ этиш, таҳлиллаш ва шунингдек, тегишли тавсиялар ишлаб чиққан ҳолда уларни амалиётга татбиқ қилиш натижа-сида шахс билан жамият тараққиётини таъминлашга маълум даражада ҳисса қўшиш мумкин. қолаверса, касб танлашдаги оммавий тарздаги муваффақиятсизликлар шах-сининг фаолияти ва фаоллигига салбий таъсир этиши, аини пайтда у ёки бу соҳа бўйича меҳнат унумдорлигининг пасайиши субъект билан фаолият ўртасидаги муносабатда номутаносибликнинг юзага келишидек аянчли ижтимоий - психологик асоратларни келтириб чиқариши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Ушбу муаммоларни бартараф этиш учун давлат, жамият, жамоа томонида муҳим стратегик ва тактик вазифалар белгиланган. Мазкур вазифалар ёшларни турли касбларни танлашга йўналтириш имконини берадиган ўрта мактабларнинг ижтимоий - сиёсий таълим тизими билан, шунингдек, матбуот, кино, радио, телевидение восита-ларида касбий маърифат ва касбий тарғибот орқали уларнинг қобилиятини аниқлашга қулай шароит яратадиган, уларга амалий тавсиялар берадиган касбий маслаҳатлар жорий этиш ёрдамида амалга оширилади. Шунингдек, шахснинг қобилиятига кўра касб танлаш ва касбга уни қўнқитириш (биологик, жисмоний, муҳит шароитига қўниқиш, ижтимоий - касбий таълим орқали касб билан таниқиш ва ишлаб чиқариш жамоаларига қўшилиш) йўли билан жорий қилинади. Умуман, шахсни касб танлашга йўналтириш муаммосига ўзига хос ижтимоий-психологик тамойиллар асосида ёнда-шиш тенденцияси кўзга ташланади.

Жумладан, олимлар томонидан «касбга йўналтириш учбурчаги» тавсия этилган ва унинг биринчи томони - турли касбларнинг инсонга қўядиган талабларини пухта билишдир. Иккинчи томони - ижтимоий қутилманинг меҳнат бозорини, жамият-нинг (тор маънода - шаҳар, туманнинг) у ёки бу мутахассисга нисбатан эҳтиёжини аниқлашдир. Бу воқелик моҳиятига кўра иқтисодий ва ижтимоий муаммодир, бирок унисиз субъектларни касб танлашга йўллаш мумкин эмас. Касбга йўналтиришнинг учинчи томони ва бунга оид барча ишларнинг асоси шахс хусусиятларини, энг аввало касбга йўналтирилаётган инсоннинг қобилияти ва истагини аниқлаш, ташхис қилишни ўз ичига олади.

Бу борада ижтимоий воқеликнинг энг муҳим томони шундаки, мактаб даврида кичик гуруҳ аъзолари ҳисобланмиш ўқувчиларга нафақат билим бериш, балки, фаол шахсий фаолият юрита билиш ва ўзини - ўзи англаш қўнқимасини узлуксиз равишда шакллантириб бориш лозим.

Мактаб таълим тизими ўқувчиларда касбий ўзини - ўзи англаш жараёнининг шакл-ланишига таъсир этади. Ушбу жараённинг муваффақиятли кечиши учун касб тан-лашга йўналтириш ишларининг мазмунини, принципларини, ташкилий шакллари-ни, усул ва воситаларини белгиловчи, уларга касбқор олами ва шахсий хусусиятларини ўрганишга ёрдам берувчи, онгли равишда касб танлашни таъминловчи, фаолият соҳаларига талабгорнинг қобилияти ва қизиқишига жавоб берувчи, унинг саломат-лигига ва жисмоний имкониятига мос келувчи ва шу билан бирга меҳнат бозорининг кадрларга бўлган эҳтиёжини акс эттирувчи касб турига йўналтириш ишлари тизи-мида муносабат узлуксиз ҳукм суриши лозим.

Бизнинг вазифамиз мактабнинг ҳар бир ўқувчисини муваффақиятли касбий ўзини-ўзи англаши учун зарурий шароит яратган ҳолда ҳар бир субъектнинг мойил-лиги, қизиқиши ва қобилиятини аниқлаш ҳамда ривожлантириш асосида мустақил ва маънавий, ижодий фикрловчи шахсни шакллантиришдир.

Ҳозирги кундаги амалиёт ижтимоий муайян кичик гуруҳга қирувчи ўқувчиларни ташхис қилиш ва касб танлашга йўналтириш, касбий ўзини-ўзи англаш механиз-

ларини юзага чиқаришнинг психологик муолажаларига муҳтожлик жараёнини кечирмоқда.

Дарҳақиқат, ижтимоий турмуш буюртмаларига асосланган ҳолда касбий таълимнинг тўғри ташкил этилиши, унинг назарий ҳамда амалий талабларига жавоб бера олиши кичик гуруҳ аъзолари ҳисобланмиш ўқувчиларда касб танлашга нисбатан ижобий муносабат тизимининг шаклланиши учун муҳим манба сифатида хизмат қилиши мумкин.

Ўсиб келаётган ёш, бунёдкор авлодни касб танлашга йўналтириш, ҳар бир шахснинг ўзига хос ички имкониятларини ҳисобга олган ҳолда таълим тизимини ташкил этиш ҳар бир жамиятнинг асосий, долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Зеро, бугунги кунда касб таълими ва касбий йўналганлик муаммосининг зарурият эканлигини кўрсата олувчи ва унинг ўзига хос методологик «илдизларини» асослаб берувчи илмий адабиётлар, тадқиқотлар ва қўлланмаларни алоҳида қайд қилиб ўтиш жоиз.

Мазкур илмий адабиётларда касб танлаш муаммосининг турли йўналишлари ижтимоий воқелик сифатида маълум даражада очиб берилади. Бу эса касб танлаш жараёнининг низоҳатда қўп қиррали ва кенг қўламли ижтимоий ҳодиса, ижтимоий тараққиёт омили эканлигидан далолат беради.

Умуман, турли-туман илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, касб танлаш жараёнини ижтимоий жиҳатдан талқин қилиш ҳар бир фаннинг истиқболлари, долзарб вазифаларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши ўзига хос аҳамиятга эгадир.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, педагогика, психология каби бир қатор фанларнинг маълум йўналишлари истиқболи касб танлаш жараёнининг илмий - методологик жиҳатларини асослаб беришга қаратилганлигини қайд этиб ўтиш ўринлидир. Жумладан, педагогика фанининг максадларидан келиб чиқиб муаллифлар (П.Р.Атутов, Ю.К. Васильев, А.К. Воробьёв) касб танлашни шахсни шакллантириш тизимида муҳим аҳамият касб этувчи омил эканлигини асослаб беришга муваффақ бўлдилар. Ҳар бир педагогик вазиятни талқин қилиш орқали касб танлаш ва уни муносабат тизимини шакллантиришнинг ўзига хос тамойилларини кўрсатиб ўтадилар.

Ёшларни касбга йўналтириш жамият тараққиётининг муҳим омили эканлигидан келиб чиққан Шарқ мутафаккирларининг қарашлари алоҳида қимматга эга. Жумладан, Абу Наср Форобий (870 - 980) руҳшунослик илмининг ўзига хос амалиётчиси ва назариётчиси сифатида шахснинг оқил, доно ва хунарли бўлиши ҳақида қатор илмий рисоалар ёзиб қолдирган алломадир. Чунончи, у «Фозил одамлар шахри» номли асарида давлатни ҳар томонлама етук, энг мукаммал инсоний фазилатларни ўзида жо қилган кишилар ёрдамида идора этиш масаласига жиддий эътибор қаратгандир. Уларнинг мулоҳазаларига қўра ҳар қайси соҳанинг маҳоратли касб эгасигина истиқбол режасига, ижтимоий кутилмасига эриша олади, ҳолос.

Буюк қомусий олим Абу Али Ибн Сино (980-1037) бола шахсининг турли — туманлигини ҳисобга олган ҳолда уни шакллантириш масаласини кўтарган. Унинг «Донишнома», «Рисолаи ишқ», «Уй ҳужалиги», «Тиб қонунлари» каби қатор асарларида инсондаги иродавий сифатлар орқали қамолот истиқболларини белгилаб беришга хизмат қилади, деган ғоя ётади. Уларнинг аксарият асарларида «устоз - шогирд» муаммоси ўз ифодасини топган.

Абу Райхон Берунийнинг (973-1048) инсон омилини тадқиқ қилишдаги ижтимоий - психологик қарашлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Айниқса, олимнинг «Минерология» асарида таъкидланганидек, инсоннинг қадр - қиммати

Ўз вазифасини аъло даражада бажаришдан иборатдир. Шунинг учун ҳам шахснинг энг асосий вазифаси ва ижтимоий турмушдаги ўрни меҳнат ёхуд унинг касби билан белгиланади. Зеро, инсон ўз ҳошишига меҳнати маҳсули ва унинг сифати билан эришади. Лекин, бу йўналишда узлуксиз изланишлар олиб борилиши туфайли ижтимоий турмушда шахс ўз изини қолдиради, холос.

XI асрнинг донишманди Махмуд Қошқарий ўзининг «Девону лугати турк» асари орқали ҳар бир инсонни оқилу доно бўлишга, ақл-заковат билан иш қилишга, жамият учун фойдали бирор касб -ҳунар билан мунтазам равишда шуғулланишга даъват этади.

Мазкур асарда касбга қўйиладиган талаблар инсоннинг индивидуал хусусиятларига мос тушиши ғояси ётади.

Буюк бобокалонимиз Алишер Навоийнинг бутун ҳаёти, фаолияти ва ижодиёти меҳнат аҳлини ва касб-ҳунарни юксак даражада қадрлашга қаратилгандир. Навоийнинг деярли ҳар бир асарида инсоннинг касб-ҳунар орқали қадр топиши ва улуғланиши тараннум этилади.

Жумладан: “Хунарни асрабон нетқумдир, охир,

Олиб туфроққа му кетқумдир, охир”, деганида Алишер Навоий касбнинг нақадар эъзозли ва қимматли эканини қайта-қайта таъкидлаб ўтади. Касбий яроқлилиқ, мойиллиқ масалалари ҳам унинг асарларида мужассамлашгандир.

Маърифатпарвар педагог Абдулла Авланий ҳам ўзининг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асари орқали баркамол шахснинг қўп қиррали билимларга эга бўлиши, яхши касб-корнинг сирларини эгаллаши, бир томондан ижтимоий муҳит ва оилавий шароитга боғлиқ бўлса, иккинчи томондан бола шахсидаги ғайрат-шижоатга, ҳошиш, интилиш ва иқтидор қуртакларининг намоён этилиши ҳақида ўзининг илмий - педагогик мулоҳазаларини баён этади. Шунингдек, касб эгаллашнинг босқичлари ва уларга қўйиладиган талабларнинг ўзаро уйғунлашуви муаммолари таҳлил қилинган.

Касбий ниятларнинг барқарорлигини ўрганиш юзасидан Н.П. Крилов ўтказган тадқиқотлар шуни тасдиқлайдики, ўз ниятларини амалга ошириш мақсадида, олий ўқув юртларига кирган талабалар орасида ҳам кўпчилиқ шахслар ўзларининг ким бўлишларини охиригача ҳал қилолмаганлар. Бунга сабаб - мактабни битирган ўспиринларни мазкур олий ўқув юртига олиб келган касб ҳақидаги тасаввурлар билан бу касбнинг ҳақиқий, амалий мазмуни ўртасидаги номувофиқликдир. Уларнинг кўпчилиги мазкур олий ўқув юртига тасодифан кирган бўладилар: «отам врач бўлганлиги сабабли кирдим», «ўртоғим қираётгани сабабли кирдим», «чунки бу ерга кириш осонроқ бўлди» ва ҳоказо. Шуни таъкидлаш ўринлики, ўзининг касбий тақдирини тасодифан ҳал этиш мураккаб кечинмаларга, танланган касби соҳаси юзасидан иккиланишларга, оғир ички низоларга, зиддиятларга олиб келиши мумкин ва бу воқелик содир бўлади. Бу нарса йигит - қизлар учун ҳам, жамият учун ҳам катта зарар келтиради.

Э.Ғозиев ва Р.Асомоваларнинг тадқиқотларида таъкидланганидек, мотив ва мотивация тизими шахснинг фаолияти, муомаласи, ҳатти - ҳаракатининг ички регуляцияси функциясини бажариб, эҳтиёжини қондириш, ҳошиш - истак, эзгу ният, орзу - тилак, майл, хис- туйғу, установка, идеал, имон - эътиқод, виждон, мақсад қўя олиш ва бошқаларни амалиётда руёбга чиқаришнинг бош омили бўлиб ҳисобланади. Мотив ва мотивация фақат билимларни ўзлаштириш, ўқув малакаларини эгаллаш, муомала маромини қўллаш билангина чекланиб қолмасдан, балки шахснинг ҳулқ - ативорини, янги ҳислатлар намоён бўлишини ҳам изохлаб беришга хизмат қилади.

Психолог С.Л.Рубинштейннинг фикрича, мотивация - бу психика орқали ҳосил бўладиган детерминациядир, мотив - бу шахс ҳулқ - атворининг когнитив жараёнини бевосита ташқи олам билан боғловчи субъектив тарзда акс этиши демакдир.

Психолог Э.Ғозиев маълумотларига қараганда, мотивнинг тузилиш таркибига шахснинг йўналганлиги, характер хусусиятлари, хис - туйғулари, ички кечинмалари, фаолият йўналишларида ифодаланган эҳтиёжи, қизиқиши, майли, установкаси киради. Зеро, у ёки бу шахснинг мотивлари тузилишини, уларнинг асосий функционал механизмларини ҳамда шаклланиш жараёнига йўналтиришнинг стратегик режасини ишлаб чиқишни психологик жиҳатдан тушуниш муҳим аҳамият касб этади.

Р.Асомова тадқиқотида касбий (профессионал) мотивлар бирламчи аҳамиятли мотивлар сифатида қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганилади: а) ижтимоий мотивлар, б) гуруҳий хусусиятли мотивлар, в) процессуал мотивлар, г) рағбатлантирувчи мотивлар. Мазкур мотивацион гуруҳларнинг ўзига хос ҳар бир жиҳати тадқиқотчи томонидан илмий асослаб берилди.

Умуман, шахс мотивациясининг шаклланиши Э.Ғозиев модификацияси бўйича қуйидаги йўналишларга асосланадики, бу йўналишлар, бизнингча, касб танлашга муносабат мотивациясининг назарий асосларини белгилашга хизмат қилади.

Мотивация шаклланишининг биринчи йўли - бу кўпинча «юқоридан пастга» деб номланиб, талабаларда ўқув мотивининг намуналари идеал даражадагисини таркиб топтиришда ўз ифодасини топади. Талаба учун таниш мотивлар ўз ҳулқини улар билан қиёслаш орқали ўзлаштирилади, шахсий мотивлар эса жамият томонидан тақлиф қилинганлари билан мужассамлаштирилади.

Мотивация шаклланишининг иккинчи йўли «пастдан юқорига» деб аталиб, талаба ижтимоий ҳаётдаги фаолият турларида бевосита иштирок этади, ахлоқий ҳулқ - атвор, фаолият кўникмаларини амалий жиҳатдан эгаллаб боради, унда реал, ҳақиқий, адекват мотивлар юзага кела бошлайди.

Демак, ижтимоий муносабатларга ёшлар камолотининг барча босқичлари ва жабҳаларида эътиборга молик объект сифатида қаралмоғи лозим. Айниқса, касб танлаш муносабатларини шакллантиришда бу жараёнга алоҳида эътибор қаратиш талаб қилинади.

Умуман, юқорида қайд этилган фикрлардан кўриниб турибдики, касб танлаш муаммоси кенг қўламли ва кўп қиррали жараёндир. Бу жараённи ўрганишга бағишланган кўплаб тадқиқотлар олиб борилганлигини алоҳида қайд этиш лозим. Бинобарин, бу йўналишдаги педагогик ва психологик ҳамда ижтимоий - психологик тадқиқотларнинг мавжудлиги изланишимизга илмий - назарий асос сифатида хизмат қилиши мумкин. Ушбу илмий - назарий тадқиқотларга таянган ҳолда касб танлашга муносабат мотивацияси талқинларини баён этишга ҳаракат қилади.

Адабиётлар:

1. Каримова В.М. Янги турдаги таълим муассасаларидаги ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг психологик муаммолари. // Янги турдаги ўрта махсус ўқув юрларида таълим — тарбиянинг самарадорлигини оширишнинг психологик муаммолари. - Т.: 1998. - 10-13 бетлар.
2. Каримова В.М. Ижтимоий психология асослари. -Т.:«Ўқитувчи», 1994. -95 б.
3. Каримова В. Психология. Ўқув қўлланма. - Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002. -205 бет.
4. Касбга йўналтириш маслаҳатлари: методлар, муаммолар, имкониятлар. (Тузувчилар: Раъно Суннатова, Убайдулло Парпиев). - Т.: 2001.
5. Ғозиев Э., Турсунов Л. Мактаб психологи фаолиятининг мазмуни // «Халқ таълими» журналы, 1995, 7 - 8 - сон. 3 - 5 б.

6. Ғозиев Э. Ўзбек халқининг этнопсихологияси ва бола тарбиясида ўзбек оиласининг этнопсихологик муаммолари. // Респ. илмий -амалий анж. маъруз. қисқ. баёни. - Т.: 1993. 8-9-6.
7. Ғозиев Э. Психология. Ўқув қўланма. - Т.: «Ўқитувчи», 1994. - 224 б.
8. Ғозиев Э. Ўқувчиларни умумлаштириш усулларига ўргатиш ва уларнинг ақлий тараққиёти. - Т.: «Ўқитувчи», 1983.- 72 б.
9. Ғозиев Э. Таълим муассасаларида психологиянинг вазибалари. // «Халқ таълими» журналі, 1995, 12 -сон. 25 -34 - б.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада касбга йўналтириш муаммосини ҳал қилишда ижтимоий турмуш буюртмаларига асосланган ҳолда касбий таълимнинг тўғри ташкил этилиши, унинг назарий ҳамда амалий талабларига жавоб бера олиши кичик гуруҳ аъзолари ҳисобланмиш ўқувчиларда касб танлашга нисбатан ижобий муносабат тизимининг шаклланиши учун муҳим манба сифатида хизмат қилиши мумкинлиги айтиб ўтилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье упоминается, что правильная организация профессионального образования на основе социально-бытовых заказов в решении задачи профориентации, способность удовлетворить ее теоретические и практические требования могут служить важным источником формирования системы положительных отношении к выбору профессии у студентов, являющихся членами малой группы.

SUMMARY

In this article, it is mentioned that the correct organization of vocational education based on social life orders in solving the problem of career guidance, the ability to meet its theoretical and practical requirements can serve as an important source for the formation of a system of positive attitudes towards career choice among students who are members of a small group.

TALABA YOSHLARDA MA'NAVİY AHLOQIY SIFATLARNI RIVOJLANTIRISHNING IJTIMOİY OMILLARI

Nomozov Sh.

*Toshkent davlat pedagogika universiteti “Yoshlar bilan ishlash,
ma'naviyat va ma'rifat” bo'limi metodisti*

Tayanch soʻzlar: talaba, liderlik, volontiyorlik, kreativlik, intellektual, pedagog, psixolog, demokratik, adolatlilik, tashabbuskorlik, ma'naviyat, ma'rifat, yoshlar.

Ключевые слова: студент, лидерство, волонтерство, творчество, интеллектуал, педагог, психолог, демократизм, справедливость, инициатива, духовность, просвещение, молодежь.

Key words: student, leadership, volunteering, creativity, intellectual, teacher, psychologist, democratism, justice, initiative, spirituality, education, youth.

O'zbekiston Respublikasida yoshlarga oid davlat siyosati tizimida olib borilayotgan islohotlarning bosh negizida mamlakat buguni va kelajak poydevori bo'lgan – yoshlarning ma'naviy ahloqiy sifatlarini rivojlantirish orqali tarbiyalash dolzarb masala sifatida ilgari surilmoqda. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti yoshlarning ma'naviy ahloqiy sifatlarini rivojlantirish masalasiga to'xtalib o'tar ekan: 2020 yil 29 dekabr kuni Oliy Majlisga Murojaatnomasi[1]da: “jamiyat taraqqiyotida uning kelajagini ta'minlaydigan yosh avlodning sog'lom va barkamol bo'lib voyaga yetishi hal qiluvchi o'rin tutadi. Shu sababli biz islohotlarimiz ko'lamini va samarasini yanada oshirishda har tomonlama yetuk, zamonaviy bilim va hunarlarni puxta egallagan, azmu shijoatli, tashabbuskor yoshlarimizga tayanamiz[1]” degan ushbu murojaatlari zahirida ham ta'lim muassasalarida tahsil olayotgan yosh-avlodni ma'naviy ahloqiy sifatlarini rivojlantirish orqali kamol tolishi muhim ahamiyat kasb etadi[1].

Yangi O'zbekiston sharoitida yoshlarga oid davlat siyosati yoshlarda mustaqil faoliyat, yangi davrga mos keladigan ijtimoiy-ma'naviy xislatlarni, xususan, globallashuv sharoitida muhim ahamiyat kasb etadigan milliy o'zlikni anglashning nazariy-metodologik va amaliy

Т. Н. Қары Ниязий атындағы Өзбекстан педагогикалық
илим-изертлеу институтының Ж. Орынбаев атындағы
Қарақалпақстан филиалы

**«МУҒАЛЛИМ ҲӘМ ҮЗЛИКСИЗ
БИЛИМЛЕНДИРИЎ» № 4/2**
Нөкис — 2022

Басып шығыўға жуўапкер:

А. Тилегенов

Баспаға таярлаған:

А. Тилегенов, Н. Абдукаримов

Оригинал-макеттен басыўға рухсат етилди 08.008.2022. Форматы
60х84¹/₁₆ «Таймс» гарнитурасында офсет усылында басылды.
Шертли б.т. Нашр. т. Нусқасы 2000. Буйыртпа №

«NISO POLIGRAF» ШК босмахонасида босилди.
Тошкент ш., Ҳ. Бойқаро, 51

**2022-жыл ушын
«Муғаллим ҳәм үзликсиз билимлендириў»
журналына жазылыў баҳасы төмендегише:**

Индекс: 2092

**Жеке пухара ушын бир жылға 90 000 сум,
алты айға - 45000 сўм**

Индекс: 2093

**Кәрханалар ушын бир жылға 110 000 сум,
алты айға - 55 000 сўм**

КК филиал УзНИИПН

р/с 20210000800538464001

КК.Отд. «ИПОТЕКА БАНК» г. Нукус

МФО 00621

ИНН: 200362233

